

Эй Ато, ҳолингга вой!



07:10 / 29.08.2019 2001

Абу Синон Қасмалий айтади: «Ваҳб Ато Хуросонийнинг олдига бориб, шундай деди:

«Эй Ато, ҳолингга вой! Илмингни подшоҳлар ва дунёга қул бўлганлар эшиги олдига олиб боряпсан!

Эй Ато, ҳолингга вой! Сен учун эшиги ёпиқ бўлган, бойлиги сенга маълум бўлмаган, аммо камбағаллиги сенга аниқ кўриниб турганларнинг олдига боряпсан-у, лекин эшиги сенга очиқ, бойлиги маълум бўлган, **«Менга дуо қилинглар, ижобат қиламан»**, деган Зот томон бормаяпсан.

Эй Ато, ҳолингга вой! Мол-дунёдан озига рози бўлавер, агар илму ҳикмати билан бирга бўлса. Бироқ илму ҳикматнинг озига рози бўлма, мол-дунёси бўлса ҳам.

Эй Ато, ҳолингга вой! Аллоҳ сени бой қилиб қўйса, дунёнинг энг ками ҳам сенга кифоя. У Зот сени бой қилмаса, дунёдаги ҳеч бир нарса сенга етмайди.

Эй Ато, ҳолингга вой! Қорнинг денгиздек, водийдек. Уни фақат тупроқ тўлдиради».

«Солиҳлар гулшани» китобидан